

## ЎҚИТУВЧИ-КЕЛАЖАК БУНЁДКОРИ

**Умарова Ирода Ҳожиқурбоновна**

*Навоий архитектура ва қурилиш техникуми ЎТИБДЎ*

*Электрон почта:umarovairoda7912@gmail.com*

**Annotatsiya:** Республикамиздаги таълим соҳасида амалга оширилаётган барча тадбирларнинг асосий мақсади ва харақатлантирувчи куч ҳамда кадрлар тайёрлаш соҳасидаги давлат сиёсати, узлуксиз таълим тизимини жорий этган ҳолда ҳар томонлама ривожланган баркамол шахсни вояга етказишдир.

Калит сўзи: узлуксиз таълим, кадрлар тайёрлаш, рақобатбардош, Профессional таълим, мультимедия, суҳбат, хикоя, китоб билан ишлаш, намойиш, аклий ҳужум, лойиҳалар усули, баҳс, муаммоли топширик

Маълумки, буюк келажак сари дадил қадамлар билан одимлаётган диёримиз ўз келажagini ёш авлод тимсолида кўриб, бу мақсадни амалга ошириш учун асосий вазифалар каторида таълим тизимини тубдан ислох қилиш, меҳнат бозори учун малакали ва рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, миллий кадрларни тайёрлаш масаласига эътибор кучайтирилган. Ҳар бир жамиятнинг келажаги унинг ажралмас қисми ва ҳаётий зарурати бўлган таълим тизимининг қай даражада ривожланганлиги билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан кейинги ўтган йилларда Президентимиз Ш.М.Мирзиёев ўсиб келаётган келажак авлодни ҳар томонлама ривожланган жисмонан бақувват, юксак даражада маданиятли бўлиши билан бир қаторда, билим савияси жаҳон андозаси даражасида бўлиши, ўз билим ва кўникмалари асосида ҳозирги замон технологиялари ёрдамида замонавий асбоб - ускуналар билан ишлай олиши, фан ютуқларини халқ хўжалигининг турли соҳаларида қўллаш олишини қайта қайта таъкидламоқдалар. Президентимиз Ш.М.Мирзиёев «Юксак мақсадлар йўлида сиз-ёшлар ҳал қилувчи куч бўлишингиз керак» шioriга амал қилган ҳолда таълим - тарбия эътибор билан қаралди ва бу соҳада катор ислохотлар амалга оширилиб келинмоқда.

Ана шу мақсадни амалга ошириш борасида янги «Таълим тўғрисида» қонун қабул қилинди ёки тубдан фарқ қиладиган янги таълим тизими, мустақил Республикамизнинг ҳамма вилоятларида, туманларида, шаҳарларида профессионал таълим ва бошқа таълим муассасалари ташкил қилинди ва эътибор кучайтирилди.

Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, янги шароитда рақобатбардош ёшларни тарбиялаш, уларни ҳаётга, ишлаб - чиқаришга тайёрлаш, таълим тизимининг бош вазифаси, мақсади бўлиб қолади. Кенг қамровли, истиклолга йўналган бу шарафли ва масъулиятли вазифани амалга оширишда етакчи куч - ўқитувчилар устоз ҳисобланади.

Ҳозирги ривожланиш босқичда мамлакатимизда академик лицейларда ва Профессional таълим тизимида янги замонавий технологияларни ўзлаштиришга эътибор яна ҳам кучайди. Профессional таълим тизимидаги дарслар, машғулотлар сифатини яхшилаш, уни жаҳон андозалари даражасига етказиш асосий мақсадлардан

бирига айланди. Чунки, бугун ўқувчи ёшлар зиммасидаги маъсулият, яъни юрт тақдири, ватан келажиги, тақдири турибди.

Шундай экан, эндиги кадрлар сифати масаласи кўпроқ оилада, мактабда, ўрта махсус профессионал таълими муассасаларида, олий таълим даргоҳларида бериладиган таълим- тарбиянинг сифатига, мазмунига алоқадордир.

Фан ва техниканинг ривожланиши ўқувчиларни билимлар оқими ва воқеалар тўлкинига бўлган кизиқишни кучайтиради. Бугунги кун нуқтаи - назаридан қарайдиган бўлсак, ўқувчилар билим даражаси юкори, ақлий фаолияти етук ва мустақил фикрлай олиши зарур. Ўқувчилардаги бундай хислатларни ўқитувчилар ривожлантириб борадилар. Шундай экан дарсда фақат ўқитувчи актив фаолият кўрсатмасдан, балки ўқувчилар пассив ҳолатдан дарснинг асосий иштирокчиси бўлиши лозим, яъни мустақил ишлашлари даркор. Шу сабабли ўқувчиларни фанларга бўлган кизиқишларини орттириш, уларга чуқур ва пухта билим бериш борасида турли хил ноанъанавий услублардан, янги инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда дарс ўтиш муҳим аҳамиятга эга ва долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Бугунги кун ўқитувчиси кўрғазмали куроллар, турли ўйин машғулоти, замонавий интерфаол усуллардан, техника воситаларидан, компьютердан фаолияти давомида ўринли фойдаланиб, мультимедия дарсларини кўллаш орқали сифат ва самарадорликка эришиши мумкин. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, замонавий таълим беришда ўқитишнинг тушунтириш, суҳбат, хикоя, китоб билан ишлаш, намоёниш, ақлий ҳужум, лойиҳалар усули, баҳс, муаммоли топширик, гуруҳларда ишлаш каби услубларидан унумли фойдаланилганда ўқув машғулотиде кўзланган барча мақсадларга тўлиқ эришилади.

Таълими муассасаларида "Еш мутахассислар мактаби" ва "Педагогик маҳорат мактаби" нинг ташкил этилиши ҳам ўқитувчиларга, айниқса ёш ўқитувчиларга амалий методик ёрдам берилиши алоҳида диққатга сазовордир. Бу жараёнда ўзаро дарс кузатуви муҳим саналади. Кузатиш ва таҳлил қилиш орқали ўқувчиларнинг машғулотларга умумий тайёргарлиги, билим олишга интилиши, ўқув фанига бўлган кизиқиши диққат эътибори, дарс давомидаги мустақил фаолияти аниқланса, ўқитувчининг касбий фаолиятидаги барча жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилади. Ҳар бир дарс аниқ мақсад асосида таҳлил қилинмоғи даркор. Дарс таҳлили якуни бўйича устоз ўқитувчиларнинг дарс режасининг бажарилиши, кўзланган мақсадга нечоғли эришганлиги, дарснинг энг кизиқарли нуқтаси ва таассуротларга бой жиҳатлари, мавзунини тушунтиришда яна қандай усуллардан фойдаланиш мумкинлиги ҳусусида тавсиялар бериши ёш мутахассисларнинг таълим муассасаси иш фаолиятига мослашишига ва ўзининг педагогик қобилиятини намоён этишига, маҳоратли педагог кадр бўлиб шаклланишига ёрдам беради.

Ҳар қандай фаолият эзгуликдан куч олади, такомиллашади. Бугун устоз ўғитидан баҳраманд шогирднинг ўзи ҳам вақти келиб устозлик мартабасига эришади, лекин шунгача тинмай ўқиб-ўрганиши, изланиши, тажрибасини ошириб бориши, энг муҳими, янги педагогик технологиялар, назариялар, концепцияларнинг муаллифи, ишлаб

чиқарувчиси, тарғиботчиси бўлиши, ташаббускор ва ижодкор, замон билан ҳамнафас бўлиши талаб этилади.